2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 212 (1273), 2024 йил 19 октябрь, шанба

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz

## РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни мамлакатимиздаги нуфузли тиббиёт муассасаларидан бири — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилганининг 50 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда Янги Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини ҳимоя қилиш орқали миллий генофондимизни асраш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашдек ғоят шарафли ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Марказнинг кўпмиллатли аҳил жамоаси — жонкуяр шифокорлар, олим ва мутахассислар, заҳматкаш ҳамшираларга фидокорона меҳнати учун самимий миннатдорлик билдираман.

Сўнгги йилларда инсон қадрини улуғлашга қаратилган дастурларимиз доирасида она ва бола саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётганимиз албатта бежиз эмас. Чунки бу юртимиздаги ҳар бир инсон ва оила, бутун жамиятнинг бахти ва келажаги билан боғлиқ ғоят муҳим масаладир.

Шу мақсадда тиббиётимизнинг ушбу етакчи тизими илғор хорижий тажриба ва замонавий ёндашувлар асосида ислоҳ қилиниб, унинг моддий-техник, илмий-методик базаси, кадрлар салоҳияти, таркибий тузилмаси тубдан такомиллаштирилди.

Айниқса, ўтган йили тарихий анъаналарга эга бўлган учта муассаса негизида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказини ташкил этганимиз бу йўлдаги катта қадам бўлди. Натижада мамлакатимизда 9 миллион 200 минг нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёлларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда ҳомила саломатлигини назорат қилиб боришнинг яхлит ва вертикал бошқариш тизими яратилди, такомиллаштирилган тиббий профилактика ҳамда патронаж хизматлари йўлга қўйилди.

Бу ҳақда сўз юритганда, илк бор юртимиздаги ҳар бир оила патронаж ҳамширалар ва “Аёллар маслаҳатхонаси” бўлимлари орқали Марказ билан боғлангани, бирламчи бўғиндаги тиббий бригадалар таркибига 8 минг 500 нафар доя штати ажратилганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда Марказ ўз таркибида 14 та ҳудудий филиал, 46 та туманлараро перинатал марказ, 170 дан ортиқ туғуруқ комплекси ва 209 та Аёллар маслаҳатхонасини бирлаштиргани унинг улкан салоҳиятидан далолат беради. Бу эса ана шу муассасалар ишини самарали мувофиқлаштириб, бирламчи тизимда патронаж хизматини сифатли йўлга қўйиш, ҳомиладор аёлларни скринингдан ўтказиб, уларнинг саломатлигини мунтазам таҳлил қилиб бориш, бир сўз билан айтганда, хавфсиз оналикни таъминлаш имконини бермоқда.

Марказ дунёдаги етакчи тиббиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, тиббий диагностика ва даволашнинг илғор усулларини клиник амалиётга кенг жорий этаётгани ҳам диққатга сазовордир. Хусусан, гинекология йўналишида йилига 1300 дан ортиқ жарроҳлик операциялари муваффақиятли амалга оширилаётгани, 36 турдаги юқори технологик операциялар йўлга қўйилгани қанча-қанча юртдошларимизни ортиқча вақт ва маблағ сарфлаб, чет элга бориб даволаниш ташвишидан халос этмоқда.

Марказ юртимиздаги давлат даволаш муассасалари орасида биринчи бўлиб халқаро аккредитациядан ўтгани унинг нуфузи нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ортиб бораётганини кўрсатади.

Инсон, жумладан, она ва бола саломатлигига нисбатан хавф-хатарлар тобора кўпайиб бораётган ҳозирги мураккаб замонда бу борада олдимизда янада долзарб вазифалар пайдо бўлмоқда. Бу эса барчамиздан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳнат, изланиш ва сафарбарликни талаб этмоқда.

Ушбу соҳанинг фидойи вакиллари бўлган сиз, азизлар буни чуқур англаган ҳолда, ўз билим ва тажрибангиз, малака ва маҳоратингиз билан эл-юртимизга янада фаол хизмат қиласизлар, деб ишонаман.

Ўз навбатида, соҳа ривожига алоҳида аҳамият бериш, сизларнинг шарафли меҳнатингизни муносиб рағбатлантириш бундан буён ҳам давлатимизнинг эътибор марказида бўлади.

Сизларни бугунги қувончли сана билан яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, масъулиятли фаолиятингизда ютуқ ва омадлар, оилаларингизга тинчлик ва бахту саодат тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТЯБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

SAYLOV 2024 27-OKTABR MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

Мазкур мақола Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.

*21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни*

## МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ ТИМСОЛИ

**Тилнинг барҳаётлиги, шубҳасиз, унинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган инсонларга боғлиқ. Ҳозир катта бир оилани бирлаштириб турган ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг 60 миллионга яқин экани ҳам унинг халқаро майдондаги даражасини белгилайди.**

Тил ҳар бир халқнинг ўзлик булоғидир. Унда халқ бошидан кечирган воқеа ва ҳодисалар жамланган. Ҳозирги кунда она Ер бағрида 8 миллиард одам, турли миллат вакиллари яшайди. Яқин-яқингача улар 7-8 мингта тилда гаплашган. Бугун мавжуд тиллар сони 6 мингга қадар тушиб кетган. Ачинарлиси, бу тилларнинг 90 фоизи йўқолиб кетиш арафасида.

Давоми 5-бетда

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҒОЯТ МУҲИМ МАСАЛАДИР

**Мамлакатимиздаги нуфузли тиббиёт муассасаларидан бири — Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилганига 50 йил бўлди.**

Бугунги кунда Марказ ўз таркибида 14 та ҳудудий филиал, 46 та туманлараро перинатал марказ, 170 дан ортиқ туғуруқ комплекси ва 209 та Аёллар маслаҳатхонасини бирлаштирган. Марказ дунёдаги етакчи тиббиёт марказлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиб, тиббий диагностика ва даволашнинг илғор усулларини клиник амалиётга кенг жорий этмоқда. Хусусан, гинекология йўналишида йилига 1300 дан ортиқ жарроҳлик операциялари муваффақиятли амалга оширилиб, 36 турдаги юқори технологик операциялар йўлга қўйилган.

Давоми 2-бетда



## ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР фаровонликка эришиш кафолати

**Пойтахтимизда “Янги Ўзбекистон: тараққиёт, инновация ва маърифат” мавзусидаги халқаро ҳамкорлик ташаббуслари ҳафталиги давом этмоқда. Тадбирнинг иккинчи кунида аҳоли фаровонлигини оширишда барқарор иқтисодий ўсиш, инвестицияларни жалб қилиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қилинган ишлар ва истиқболдаги режалар муҳокама этилди.**

2024 XALQARO HAMKORLIK tashabbuslari haftaligi

Миллий ва халқаро экспертлар қайд этганидек, юртимизда инсон капиталини ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, ёшлар салоҳиятини ошириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича кўрилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим омил бўлаётир. Масалан, камбағаллик даражаси 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йилда 11 фоизгача камайди. Жаҳон банки ўз ҳисоботида бу борада Ўзбекистон Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари орасида камбағалликни қисқартиришда энг яхши натижа кўрсатаётганини қайд этди. Соҳадаги ишлар давом эттирилиб, 2025 йил охирига қадар камбағаллик даражасини 6 фоизгача қисқартириш аниқ мақсад қилиб қўйилган.

Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилаётган инвестиция ҳам барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Мактабгача таълим қамрови кескин ошди, олий таълим қамрови ҳам ўсиб бормоқда. Фуқароларни муносиб иш билан таъминлаш ва аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш борасида ҳам ўзига хос ютуқлар қўлга киритиляпти. Бундан ташқари, Ўзбекистонда солиқ тизимини соддалаштириш, рақамлаштиришни жадаллаштириш ва инновацияларни рағбатлантириш орқали бизнес муҳитини яхшилаш бўйича амалий ишлар кўлами кенгаймоқда.

Давоми 2-бетда



## ПУЛ ТОПИШ УЧУН ХОРИЖГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС

Таҳлил

### ТАРИХ — ЭНГ ЯХШИ МУАЛЛИМ

Ўтган қишда ижтимоий тармоқларда совуқ ўлкаларда қурилишда ишлаб юрган мигрантларга қарши маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўтказилган рейд тадбирининг видеоси тарқалганди. Ўша лавҳа жамиятимизни ларзага солганди. Қор қоплаган зах ерга тиззалатиб, қўлларини бошига қўйишга мажбур қилинган мигрантлар юз-кўзларидаги дард, ғам-андуҳ ва чорасизликни оддий сўзлар билан таърифлаш, ифодалаш мушкул. Ўша лавҳаларни ҳали ҳам интернетдан топса бўлади. Кейинчалик маълум бўлдики, улар бизнинг фуқароларимиз эмас экан...



Бироқ бундан узоқ бўлмаган йиллар хорижда 3,5 миллиондан 5 миллионгача ўзбек муҳожири борлиги айтиларди. Қишлоқларда иш йўқлигидан мактабни битирган киши борки, четга отланарди. Шу боис, ўша вақтларда қанча одам четда ишлаётгани ҳақида аниқ маълумот бўлмай, бу борадаги расмий статистикага эса ишонч йўқ эди.

Эшитганим бор, қайсидир чекка вилоятдаги қишлоқларнинг биридаги таъзияда тобутни кўтаришга эркак топилмаган экан... Ота кетидан фарзанд, унинг ортидан невара йўл олаётганди.

Ҳа, вазият шундай оғриқли ва мушкул, куни ўтмаганидан, оиласига бир бурда нон топиб беролмаган оила эгаларининг бундан бошқа чораси йўқ эди.

Бироқ бу каби ўта оғир ижтимоий муаммоларга кўз юмиларди. Тан олинмасди. Турли статистик рақамлардан чиройли картина ясаларди. Йилига бир миллионта иш ўрни яратилгани ҳақида баландпарвоз мақолалар ёзиларди, пўрим кийинган амалдорларнинг бу ҳақдаги интервьюлари телевизор экранларини тўлдирарди.

Давоми 4-бетда

Метрополитен тизимини ривожлантириш борасидаги кенг кўламли ишлар натижасида 2016 йил давомида Тошкент метрополитени 52 миллион кишига хизмат кўрсатган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 172 миллионни ташкил қилди. 2024 йил якунига қадар 209 миллион йўловчига хизмат кўрсатилиши кутилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 19 октябрь, 212-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Ҳафталик

# ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИННОВАЦИЯЛАР

## фаровонликка эришиш кафолати

Бошланиши 1-бетда



Мамлакатимизда транспорт тизимини ривожлантиришда асосий эътибор ҳудудларда йўловчи транспорти хизматларини кенгайтириш ва яхшилашга қаратиляпти. 2024 йилнинг ўтган саккиз ойида мамлакат бўйлаб 4,2 миллиарддан ортиқ йўловчи ташилди. Ўсиш суръати 2023 йилнинг шу даврига нисбатан 106 фоизни ташкил этди. Автоташувлар соҳасида йўловчи ташиш билан шуғулланувчи корхоналар кўпайиши билан бирга барча йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари сони ҳам ортиб боряпти.

Қолаверса, метрополитен тизимини ривожлантириш борасидаги кенг кўламли ишлар натижасида 2016 йил давомида Тошкент метрополитени 52 миллион кишига хизмат кўрсатган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 172 миллионни ташкил қилди. 2024 йил якунига қадар 209 миллион йўловчига хизмат кўрсатилиши кутилмоқда.

> **Авиация секторида ҳам улкан ўсиш кузатилмоқда. 2021 йилдан 2024 йилгача миллий авиакомпаниялар сони 2 тадан 15 тагача ошди. Шулардан 12 таси хусусий компания. Бу кенгайиш парвозлар сонининг сезиларли даражада ошишига олиб келди ва 2024 йил охирига келиб, йиллик парвозлар сони 85 мингтага етиши кутилмоқда.**

Авиация секторида ҳам улкан ўсиш кузатилмоқда. 2021 йилдан 2024 йилгача миллий авиакомпаниялар сони 2 тадан 15 тагача ошди. Шулардан 12 таси хусусий компания. Бу кенгайиш парвозлар сонининг сезиларли даражада ошишига олиб келди ва 2024 йил охирига келиб, йиллик парвозлар сони 85 мингтага етиши кутилмоқда. Авиация соҳасида 2030 йилгача парвозлар сонини 4 баробар ошириш мақсад қилинган. Темир йўл транспорти йўловчи ташишнинг муҳим воситаси бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда автомобиль йўли соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, иш кўлами ва сифати оширилмоқда. Хусусан, 2009-2016 йилларда 9 триллион сўм эвазига минг километрдан зиёдроқ йўл қурилган ва 20 минг километр таъмирланган. Сўнгги саккиз йилда бу кўрсаткич 6 баробаргача ўсган. Яъни соҳага 58 триллион сўм ажратилиб, 2 минг километр йўл ётқизилган, 100 минг километри таъмирланган. Бугун халқаро молия ташкилотлари билан 729 километр йўлни реконструкция қилиш бўйича 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, яқин кунларда “Қўнғирот — Бейнау” йўналишидаги 240 километр йўл фойдаланишга топширилади. Шунингдек, Гулистон — Андижон, Душанбе — Термиз, Бухоро — Туркманбоши, Урганч — Ҳазорасп йўлларининг муайян қисми қайта қурилади.

— Бугунга келиб минтақамиз дунёнинг тобора иқтисодий жиҳатдан ривожланаётган, аҳоли сони кун сайин ўсаётган ҳудудига айланмоқда, — дейди транспорт вазири ўринбосари Жасур Чориев. — Шу боис, минтақамизга халқаро ҳамжамиятнинг эътибори тобора кучаймоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг бу жараёндаги ўрни мустаҳкамланяпти. Бу ўзгаришлар ҳар томонлама таҳлил этилиб, барча соҳа ва тармоқларни ривожлантиришда халқаро интеграцияга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, транспорт тизимини ривожлантириш борасида салмоқли лойиҳалар амалга оширилаётир. Ушбу халқаро тадбир бу йўналишда эришилаётган натижаларни чуқур таҳлил қилиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишимизда катта имконият бўлди.

Халқаро экспертлар Ўзбекистонда транспорт тизими трансформацияси жараёнидаги ютуқларни юқори баҳолаши баробарида соҳани янада ривожлантириш билан боғлиқ катта имкониятлар борлигини ҳам кўрсатиб ўтди. Масалан, ўрта йўлакни ривожлантириш, соҳани электрлаштириш, авиацияда юк ташиш ҳажмини ошириш, электрон савдони кенгайтириш борасида муҳим таклифлар билдирилди. Журналистлар ҳам ўзини қизиқтирган саволларни бериб, хорижлик экспертларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитди.

18 октябрь куни бўлиб ўтган тадбирлар режасидан, шунингдек, “яшил” энергияга ўтиш борасидаги ишлар, келгусидаги вазифалар, макроиқтисодий ўсиш, тадбиркорликни ривожлантириш ва иқтисодиётга жалб этилаётган инвестицияларни кўпайтириш билан боғлиқ дастур ва лойиҳаларга оид масалалар ҳам ўрин олди. Ушбу соҳаларда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тармоқларга сармояларни жалб этиш хусусида фикрлашилди.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҒОЯТ МУҲИМ МАСАЛАДИР



Бошланиши 1-бетда

Марказнинг юртимиздаги давлат даволаш муассасалари орасида биринчи бўлиб халқаро аккредитациядан ўтгани унинг нуфузи нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ортиб бораётганини кўрсатади.

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг 50 йиллигига бағишланган тантанали тадбирда ушбу ютуқлар эътироф этилди. Унда ҳукумат аъзолари, сенатор ва депутатлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тизимга қарашли даволаш-профилактика муассасалари, тиббиёт олий ўқув юртлари масъуллари ҳамда хорижлик олимлар ва соҳа фахрийлари иштирок этди.

Тадбирда Президент Администрациясининг Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари Одил Абдураҳмонов Президентимизнинг Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази жамоасига табригини ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбари табригида таъкидланганидек, инсон, жумладан, она ва бола саломатлигига нисбатан хавф-хатарлар тобора кўпайиб бораётган ҳозирги мураккаб замонда бу борада олдимизда янада долзарб вазифалар пайдо бўлмоқда. Бу эса барчамиздан ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ меҳнат, изланиш ва сафарбарликни талаб этмоқда.

Тадбирда “Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг 50 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида”ги Президент фармонига мувофиқ соҳа фидойилари фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ўз эгаларига топширди.

Анжуман доирасида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ хорижлик тиббиёт олимлари ҳамда юртимиз шифокорларига “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони топширилди.

Шунингдек, тадбирда қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва хорижий ҳамкорларнинг конференция иштирокчиларига йўллаган видеотабриклари намойиш этилди.

**Моҳигул ҚОСИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

Қадрият

# НУРОНИЙЛАР ЎГИТИ — ҲАЁТИЙ ДАРС, ШИЖОАТИ — ЎРНАК



**Шуҳрат УСМОНОВ,**
**Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси бошқаруви раиси ўринбосари**

**Бугун мамлакатимиз аҳолисининг 4,5 миллионга яқини пенсия ва ижтимоий нафақа, 3,3 миллиондан зиёди ёшга доир пенсия олувчилардир. Фахрийларнинг 17 минг 681 нафари 90 ёшдан 100 ёшгача, 500 нафари 100 ёшдан ошганлар. Уларнинг 403 нафари аёллар, 97 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 4669 нафари меҳнат фронти фахрийларидир. Ўзгалар парваришига муҳтож, ёлғиз ва ёлғиз яшовчи кексалар сони 15 минг 713 нафарни ташкил этади.**

Мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган 10 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 26 августдаги “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги тизимли ишларни янги босқичга кўтарди.

Фармонга кўра, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий муҳофаза этиш борасида фаолият юритиб келаётган 10 мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилот ва бошқа фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мустаҳкамланиб, молиявий имкониятлари янада кенгаймоқда.

Илгари ҳомийлик ташкилотларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга хайрия пулининг солиқ солинмайдиган миқдори бор-йўғи 15 миллион сўм эди. Энди унинг миқдори БҲМнинг 100 баробаригача оширилди.

Ташаббускор ва фаол фуқаролик жамияти институтларини моддий-маънавий рағбатлантириш мақсадида ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида “Фуқаролик жамияти ҳафталиги” ўтказилади. Мазкур тадбир доирасида соҳа вакиллари парламент комиссияси томонидан “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” кўкрак нишони билан тақдирланади.

Мамлакатимизда ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ёритиш йўналишида номинация таъсис этилади. Бу мавзулар кўлами кенгайишига хизмат қилади.

Давлат органлари фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини БҲМнинг 1000 баробаригача молиялаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига фуқаролик жамияти институтларини ижтимоий шериклик асосида жалб қилишни тизимлаштириш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари имкониятини бирлаштириш учун ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида дастури қабул қилинади.

Фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш мақсадида давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашларига фуқаролик жамияти институти вакили раислик қилиши тартиби белгиланди.

Фуқаролик жамияти институтларининг ўзи ва кенг жамоатчилик Олий Мажлис фонди ўтказадиган танловлар йўналишини шакллантиришда бевосита иштирок этиш ҳамда давлат субсидиялари, грантлари ва ижтимоий буюртмаларни ажратиш билан боғлиқ жараёнлар шаффофлигини таъминлашга қаратилган ягона электрон платформа яратилади.

Давлат грантлари ва ижтимоий буюртма лойиҳаларининг ижтимоий аҳамиятга молик экани эътиборга олиниб, бундай лойиҳалар доирасида даромад ҳамда ижтимоий солиқлар ставкаси 3 йил муддатга 50 фоиз камайтирилади.





Тежалган маблағ лойиҳа мақсадига йўналтирилади.

Мазкур фармон фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги бевосита иштирокини ҳамда фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган вазифалар ижроси самарадорлигини таъминлаш учун янги имкониятлар очади.

Президентимизнинг 2022 йил 15 мартдаги “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2023 йил 11 мартдаги “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида белгилаб берилган вазифаларни жамғарма маблағи ҳисобидан молиялаштириш бўйича “Нуроний” жамғармаси масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда тайёрланган тартибга мувофиқ, жамғарма ва ҳудудий бўлимлари томонидан ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ва ёлғиз яшовчи 1726 кекса бир маротаба санаторийларда бепул соғломлаштирилди. Бунинг учун 3449,3 миллион сўм маблағ сарфланди. Кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун 2450 нуронийга 613,4 миллион сўмлик абонемент харажати қоплаб берилди.

Юртимизда жорий йил 2-8 октябрь кунлари ўтказилган “Кексалар ҳафталиги” доирасида ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кекса ва ёлғиз яшайдиган 12 минг 503 қариянинг ҳолидан хабар олинди. Кўмакка муҳтож нуронийларга ёрдам бериш билан боғлиқ хайрия тадбирлари амалга оширилди. Саккизта ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказида истиқомат қилувчи 775 нафар ва 16 та “Мурувват” интернат уйида яшовчи 1514 нуроний учун маданий-маърифий ва хайрия тадбирлари ташкил этилди.

50 минг 329 кекса чуқурлаштирилган бепул тиббий кўрикдан ўтказилди, 816 нафари санаторийларнинг бепул йўлланмаси билан таъминланди, 336 эҳтиёжманд кексанинг уй-жойи таъмирлаб берилди. 16 минг 776 нафари дори-дармон, 1017 нафари реабилитация техник воситалари билан таъминланди, 6230 қарияга бошқа турдаги ёрдам кўрсатилди.

Ҳафталик доирасида нуронийлар учун ташкил этилган олти мингга яқин маданий-маърифий тадбирда 60 минг 701 нуроний ва 141 минг 635 ёшнинг иштироки таъминланди. Шунингдек, 53 минг 46 нуронийнинг тарихий шаҳарлар ва зиёратгоҳларга саёҳати уюштирилди.

“Кексалар ҳафталиги” доирасида юртимиздаги маҳаллалар, таълим муассасалари, ташкилотлар, ҳарбий қисмларда нуронийлар ва ўрта авлод вакилларининг ёшлар ўртасида ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат, мардлик, адолат каби эзгу туйғуларни шакллантиришга қаратилган “Уч авлод учрашувлари” ташкил этилди. Уларда 71 минг 94 нуроний, 29 минг 58 ўрта ёш ҳамда 167 минг 861 йигит-қиз иштирок этди. Бундан ташқари, ушбу тадбирларда 9 мингдан ортиқ ёзувчи, шоир, олим, санъаткор, зиёли ва машҳур спортчилар қатнашди.

Узоқ йиллар биргаликда бахтли ҳаёт кечириб келаётган 31 минг 544 оила ёшлар ва ёш оилалар учун намуна сифатида эътироф этилиб, “Бирга яшаш саодати” туркум тадбирлари ташкил қилинди. “Бир нуроний — ўн ёшга масъул” тамойилига мувофиқ, ҳар бир маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга ва замонавий фикрлайдиган 13 минг 558 фаол нуроний уюшмаган ва муаммоли 116 минг 406 ёшга бириктирилди. Натижада 28 минг 191 йигит-қизнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилди. 17 минг 727 нафари касб-ҳунарга йўналтирилди, 77 минг 929 нафари муаммоли ёшлар тоифасидан чиқарилди.

“Нуроний ҳар бир оилага масъул” тамойили асосида 12 минг 414 нуроний 12 минг 414 та муаммоли оилага бириктирилиб, 9 минг 826 та оиладаги муаммолар ҳал этилди.

Ҳудудлардаги ҳар бир таълим муассасасига зиёли ва юксак малакага эга 3 нафардан, олий таълим муассасаларига 5 нафардан нуроний бириктирилиб, ёшлар билан ишлаши йўлга қўйилди.

Умумтаълим муассасаларида ҳафтанинг сешанба куни “Нуронийлар тарбиявий соати”ни ўтказиш анъанага айланди. Мактабгача таълим муассасаларида “Бувижонлар мактаби” аъзолари томонидан “Эртаклар — яхшиликка етаклар” тадбирлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатида 136 минг 968 нуроний иштирок этиб, улар томонидан 237 минг 112 туп дарахт ва 233 минг 972 туп гул кўчати экилди. Шунингдек, ушбу лойиҳа тарғиботи доирасида қарийб 14 минг учрашув, 11 мингга яқин маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Бугун юртимизда ёши улуғларга муносиб иззат-икром кўрсатиш, эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва ҳаётидан рози бўлиб яшаши учун муносиб шарт-шароит яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунга жавобан нуронийларимиз ҳам мамлакатимиздаги ислоҳотлар рўёбига муносиб ҳисса қўшмоқда.

# ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАШ – ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ПОЙДЕВОРИ

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўзининг 2025-2029 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида партия олдида турган устувор мақсад ва вазифалардан бири сифатида иқтисодий эркинликни таъминлаш орқали давлат иштирокини сақлаб қолиш, ижтимоий тенглик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, шунингдек, адолатли ва самарали солиқ ҳамда бюджет сиёсатини амалга оширишга қаратилган бир қатор муҳим ғоя ва ташаббусларни таклиф этмоқда.**

SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Партия мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришни энг муҳим вазифалардан бири деб билади. Бунда асосий эътиборни даромадларни адолатли тақсимлаш орқали жамиятда табақалашувнинг олдини олишга қаратади.

## Мақсадимиз — иқтисодий фаолият натижасида юзага келган даромадни адолатли тақсимлаш

Жумладан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сайловолди дастурининг иқтисодий йўналишида фуқароларимизнинг даромадидан тўланадиган солиқларнинг шаффофлиги ва адолатли тақсимланиши асосий масала сифатида белгилаган.

Партия ушбу мақсадни амалга оширишда солиқлар ва бошқа қайта тақсимлаш воситалари орқали аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовутни камайтириш, **"кўп даромад топган кўп солиқ тўлайди"** тамойилига кўра ҳамда адолатли ва самарали солиқ ва бюджет сиёсатини амалга ошириш мақсадида солиққа тортишнинг **прогрессив ставкалар**ини ҳаётга жорий этиш ва шу орқали даромадлар тенгсизлигини камайтиришга эришишни мақсад қилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт эканлиги, шунингдек, солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги белгилаб қўйилган.

Биламизки, Давлат бюджети даромадларининг салмоқли қисмини айнан солиқ ва йиғимлар ташкил қилади. Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш тартиби эса Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексида аниқ ва равшан белгилаб ўтилган. Булар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобидан шакллантирилади. Хусусан, Давлат бюджетининг даромадлари 2017 йилда 49,7 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, 2023 йилда ушбу кўрсаткич 231,2 триллион сўмга етказилган.

Шу боис, биз ижтимоий адолат йўлида иш ҳақи ва бошқа даромад турларига нисбатан солиққа тортишнинг **прогрессив ставкаларини** жорий этиш масаласини кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳозир Ўзбекистонда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ойлик маошнинг 12 фоизини ташкил қилади. Мазкур ҳолатни оддий мисол билан тушунтирадиган бўлсак, ҳозирда 3 миллион сўм ойлик оладиган ходим ҳам, 30 миллион сўм иш ҳақи оладиган ходим ҳам бир хил ставкада даромад солиғи тўлаб келмоқда.

Бундай тизимнинг жорий этилиши натижасида юқори маош олмайдиган фуқаролар бугунга нисбатан камроқ солиқ тўлайди, юқори маош оладиган ходимларнинг тўлайдиган солиқлари эса ошади, давлатга жисмоний шахсларнинг даромад солиғи тўланишида ижтимоий адолат янада кучлироқ намоён бўлади.

Агар халқаро тажрибага мурожаат қиладиган бўлсак, дунёнинг кўплаб мамлакатларида солиққа тортишнинг прогрессив шкаласи қўлланилади. Жумладан, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг прогрессив шкаласи **АҚШ, Канада, Австралия, Германия, Франция, Италия** ва ривожланган иқтисодиёт, юқори иш ҳақи ҳамда аҳолининг юқори турмуш даражасига эга бўлган бошқа бир қатор мамлакатларда узоқ йиллардан бери самарали қўллаб келинмоқда.

Ушбу мамлакатларда табақалаштирилган солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланган: **АҚШ** — 10 фоиздан 37 фоизгача, **Канада** — 21 фоиздан 33 фоизгача, **Австралия** — 17 фоиздан 45 фоизгача, **Германия** — 19 фоиздан 53 фоизгача, **Франция** — 10 фоиздан 47 фоизгача, **Италия** — 23 фоиздан 43 фоизгача ва ҳоказо.

Ўзбекистонда жисмоний шахсларни солиққа тортишнинг мутаносиб моделидан прогрессив моделига ўтиш жараёнида фуқароларнинг солиқ масъулиятини ошириш, солиқларни ҳисобга олиш, йиғиш ва бошқариш усулларини такомиллаштириш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бошқа сиёсий партиялар ҳам солиқ сиёсати борасида ўз ташаббусларини илгари сурмоқда. Умуман олганда, солиқлардан мақсад даромад манбаи бўлиб қолмаслиги керак. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида соғлиқ учун зарарли маҳсулот гуруҳларига солиқ юкини ошириш ва шу орқали соғлиқни сақлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш таклиф қилинган. Албатта, аҳоли саломатлиги барчамиз учун энг муҳим вазифа саналади. Аммо бу дегани, агар тадбиркор ортиқча солиқ юкига рози бўлса, аҳоли саломатлигига зарар етказиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариши мумкин дегани эмас. Солиқ сиёсатини амалга оширишда ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган ҳолатлардан бошқа барча жараёнлар учун тенг бўлган давлат сиёсатини юритиш даркор.

Партиянинг сиёсий **майдондаги ўрни ҳамда сиёсий мафкурасидан** келиб чиққан ҳолда партиянинг ушбу йўналишда илгари сураётган яна бир ташаббуси бу — **аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари тоифасига** кирган шахсларни ишга қабул қилганлик учун **солиқ имтиёзларини** белгилашдир.

Бугунги кунда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларга ҳар бир ходим учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,5 баравари миқдорида субсидия бериб келинмоқда.

Ўтган вақт давомидаги кузатувлар шуни кўрсатмоқдаки, биргина 6 ойлик имтиёзнинг жорий қилиниши жамиятимизда кўплаб имконияти чекланган шахсларнинг ишли бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этган. Шундан келиб чиққан ҳолда партия ушбу амалиётни солиқ сиёсати билан уйғунлаштириш, хусусан, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари тоифасига кирган шахсларни ишга қабул қилган тадбиркор ва корхоналар учун **солиқ имтиёзлари**ни қўллаш зарур деб ҳисоблайди.

## Тадбиркорларга мажбурият юклайдиган барча қоидалар фақат қонунлар орқали жорий қилиниши лозим

Бугунги кунда тадбиркорларнинг кичик бир хатоларининг ҳам улар фаолиятига бевосита таъсир қилаётганлиги айрим ҳолатларда уларда шаффоф тизим орқали ишлашдан манфаатдорлик бўлмасликни юзага келтирмоқда.

Ҳозирда ҳуқуқбузарликни бир йил давомида биринчи марта содир этганлик учун жарима реализация амалга оширилган охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 2 фоизи, бир йил давомида такрор содир этилганда эса охирги ҳисобот чорагида олинган соф тушумнинг 20 фоизи миқдорида молиявий санкция белгиланган.

Шу боис, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, солиқ тўловчилар томонидан тушумни яширишнинг олдини олиш ва нақд пулсиз савдо-сотиқни кўпайтириш мақсадида **уларга қўлланадиган молиявий санкциялар (жарималар) миқдорини қатъий белгилаш, бунда жарималар уларнинг тушумига боғлиқлигини бартараф этишни** таклиф этмоқда.

Хусусан, Солиқ кодексининг тегишли моддаларига санкция миқдорини ҳуқуқбузарлик ҳаракатига мутаносиб равишда белгилаш назарда тутилган ўзгартиришни киритиш, шу билан бирга, солиққа оид битта ҳуқуқбузарлик учун ҳам молиявий санкция, ҳам маъмурий жарима кўзда тутилган ҳолатлар бўйича битта жавобгарлик чорасини белгилаш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сайловолди дастуридаги иқтисодий йўналишда илгари сурилган муҳим ташаббуслардан яна бири **тадбиркорларга мажбурият юклайдиган барча қоидаларни фақат қонунлар орқали жорий** қилишдир.

Бу ташаббус, шубҳасиз, бугунги кунда жуда муҳим аҳамиятга эга. Гап шундаки, амалиётда тадбиркорлик субъектларига айрим ҳолатларда баъзи мажбуриятлар қонуности ҳужжатлари орқали белгиланмоқда. Бу ҳолат тадбиркорлик субъектларининг манфаатларига ҳар доим ҳам мос келавермайди.




Тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва бизнесни ривожлантириш мақсадида қабул қилинаётган қоидалар мамлакатдаги иқтисодий муҳитнинг барқарорлиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаши зарур. Шундай экан, тадбиркорларга мажбурият юклайдиган барча қоидаларни фақат қонунлар орқали жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Шундагина ўрта ва қуйи бўғин давлат ташкилотларининг турли расмий ҳужжатларни қабул қилиш орқали тадбиркорлар фаолиятига аралашувига барҳам берилади.

Қонунлар тадбиркорлар учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб, уларнинг фаолиятини тартибга солиш ва муҳофаза қилишда асосий ўрин эгаллайди. Қонунлар орқали мажбуриятларни белгилаш тадбиркорларга ишни бошлаш, олиб бориш ва кенгайтиришда аниқлик ва ишонч бағишлайди. Бу, ўз навбатида, бизнесдаги таваккалчиликларни камайтиришга ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

## Имтиёзларнинг аниқ соҳаларга берилиши тарафдоримиз

Партия дастурида иқтисодиётни жадал ривожлантириш учун солиқ тизимини ислоҳ қилиш доирасида соғлом рақобат муҳитини таъминлаш учун индивидуал солиқ ва божхона имтиёзлари бериш амалиётини максимал даражада чеклаш, имтиёзлар ва преференциялар бериш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан асослилиги ҳамда самарадорлигини баҳолаш тизимини, шунингдек, улардан фойдаланишни мониторинг қилиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу боис, партия божхона ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш, **имтиёзларнинг шахсларга эмас, аниқ соҳаларга берилишини таъминлаш** тарафдори.

Биламизки, аксарият ҳолларда солиқ имтиёзлари айнан маълум бир соҳада ишлаб чиқаришни ёки маълум бир ҳудудни ривожлантиришни рағбатлантирувчи муҳим восита ҳисобланади. Бу борада бизда ҳам солиқ имтиёзлари, аввало, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга ҳамда ички бозорни сифатли, ҳаёт учун энг зарур истеъмол товарлари билан таъминлашга хизмат қиладиган ишлаб чиқаришнинг устувор тармоқларини мақсадли ривожлантиришда ва самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритишда муҳим ўрин тутади.

Бироқ ушбу имтиёзлар айрим ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчига эмас, балки ушбу соҳадаги барча ишлаб чиқарувчиларга берилиши зарур. Бу эса адолатли рақобатни таъминлаб, монополистик фаолиятни чеклайди. Қолаверса, барча учун тенг имкониятлар берадиган солиқ имтиёзлари жорий этилиши тадбиркорлик субъектларининг ўз ишлаб чиқаришини янада ривожлантиришига, янги технологияларни жорий этиш орқали иқтисодий самарадорликка эришишга, келгусида бюджетга солиқ базасининг салмоқли кенгайишига ва албатта, бюджет даромадлари тушумларининг ошишига хизмат қилади.

## Кичик саноат зоналари ҳудудлар иқтисодий ривожини тезлаштиради

Партиямиз Сайловолди дастурида мамлакатнинг саноат салоҳиятини ошириш ва ҳудудларни изчил ривожлантиришда кичик саноат зоналари, саноат кластерларининг муҳимлигини инобатга олиб, **"Кичик саноат зоналари тўғрисида"ги** қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилмоқда. Чунки кичик саноат зоналари бошқа ҳудудларда мавжуд бўлмаган имкониятлар, имтиёзлар ва инфратузилмавий афзалликларга эга бўлади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида тизимли иқтисодий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ўзига хос ўрин тутувчи кичик иқтисодий зоналар янада ривожлантирилиши бюджетга солиқ тушумларини янада ошириш, аҳоли учун муҳим аҳамият касб этувчи ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, энг муҳими, янги иш ўринларини яратиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш имкониятини тақдим этади.

Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг иштирокчилари учун фаолият юритиш шароитларини сифат жиҳатидан яхшилаш ва маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш, инвестициялар жалб қилинишини фаоллаштиришни назарда тутувчи ушбу ташаббус ҳудудларда ишлаб чиқариш ҳажмини юқори даражага кўтариш имконини беради.

## Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инновациялардан фойдаланиш тарафдоримиз

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси **қишлоқ хўжалигини жадал инновацион ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини илмий асосда ташкил этиш, фан ва амалиётнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш** яқин келажакда Ўзбекистоннинг аграр соҳадаги улкан имкониятларини рўёбга чиқаришда, камбағаллик муаммоларини ҳал этишда ижобий натижалар беради деб ҳисоблаймиз.

Бунинг учун:

— олий таълим тизимида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги касблар ва мутахассисликлар бўйича давлат буюртмаси асосида ўқишга қабул қилиш квоталарини ошириш;

— замонавий агротехнологияларни кенг жорий этиш, деҳқонларни янги агротехнологияларга ўқитиш;

— қишлоқ хўжалигида табиат инжиқликлари, сув танқислиги, ер шўрланиши каби хатарлар ортиб бораётгани сабабли аграр суғурталашнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, энг аввало, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, жумладан, "Қишлоқ хўжалиги таваккалчиликларини суғурталаш тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш;

— аҳолига арзон гўшт маҳсулотлари етказиб бериш ва нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида гўшт етиштиришнинг ноанъанавий йўналишларини, хусусан, паррандачилик, қуёнчилик, балиқчилик каби тармоқларни ривожлантиришга қўшимча имкониятлар яратиш;

— "Тез ветеринария ёрдами" хизматини жорий этиш, ветеринария соҳасига янги инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали соҳани янада ривожлантириш, замонавий зоотехник кадрлар тайёрлашга бўлган эътиборни кучайтиришни таклиф қиламиз.

Бу ғоя ва ташаббуслар қишлоқ хўжалигига инновацияларни кенг татбиқ этиш, соҳани илмий асосда ташкил қилиш, мутахассис кадрлар салоҳиятини ошириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, партиянинг мазкур дастурий ёндашувлари аграр тармоқнинг барқарор ва жадал ривожига, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Умуман олганда, партиянинг қишлоқ хўжалигини модернизациялашга қаратилган саъй-ҳаракатлари юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

## Муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш — давр талаби

Партиямиз узоқ йиллардан буён **муқобил энергия манбалари ва ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланиш** ғоясини илгари суриб келмоқда. Партия иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш, энергия тежамкорлигига эришиш мақсадида бир қатор ташаббусларни илгари сурмоқда.

Хусусан, келгуси 5 йилликда мавжуд энергия қувватларининг камида **30 фоизини** муқобил энергия манбалари ташкил этишига эришиш, жаҳоннинг илғор технологияларига асосланган ҳолда миллий автосаноатда электр двигателли енгил автомобиллар, автобус ва юк машиналари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 2030 йилга қадар ички ёнув двигателли **транспорт воситаларининг камида 30 фоизини экологик тоза транспорт воситаларига** алмаштириш масалаларини ҳаётга татбиқ қилади.

Шунингдек, **энергиятежамкор қурилиш меъёрларини қабул қилиш,** энергия самарадорлигини оширишдаги тўсиқларни бартараф этиш, оилаларда энергия юкини камайтиришга ёрдам берадиган самарали уй иситиш тизимларини жорий этишни рағбатлантиради.

Маълумки, ҳозирги пайтга келиб, энергиядан фойдаланиш ҳажми кун сайин ортиб бормоқда. Шу боис, сайловлар вақтида барча сиёсий партиялар томонидан ўз дастурларида муқобил энергия манбалари борасида бир қатор ташаббуслар илгари сурилган.

Жумладан, Ўзбекистон Экологик партияси дастурида 2050 йилгача 60-80 фоиз уйларнинг иситиш тизимини қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобидан қопланишини ташкил этиш бўйича дастур қабул қилиш ташаббуси айтилган.

Албатта, бир қарашда ушбу ташаббус аҳоли учун жозибадор таклиф бўлиб кўриниши мумкин, аммо аниқ ҳисоб-китоб ва таҳлилларсиз бу ташаббусни амалга ошириб бўлмайди. Қолаверса, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишда етакчи натижаларга эришиб келаётган мамлакатларда ҳам бу кўрсаткич ўтган вақт давомида Экологик партия вакиллари айтганидек, 60-80 фоизлик кўрсаткичга етказилмаган.

Мазкур масала бўйича партия кам таъминланган аҳоли хонадонларига давлат субсидияси асосида қуёш панеллари ўрнатишни қўллаб-қувватлайди. Электр энергиясини иқтисод қилиш мақсадида магистрал йўлларни қуёш панеллари ёрдамида ёритиш тизимини йўлга қўйиш ҳамда кўп қаватли уйларда энергияни тежаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқишни таклиф этади.

Таъкидлаш лозимки, партия дастуридаги барча йўналишларда бўлгани каби иқтисодий йўналишда ҳам илгари сурилган илғор ғоя ва ташаббусларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилиши келгуси беш йилликда аҳолига қулайликлар яратиш билан бир қаторда мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожини ҳам таъминлайди.

**Адолат бор жойда ҳаёт барқарор, тараққиёт бардавом!**

**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ,**
**Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар**

ЎЗБЕКИСТОН "АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 19 октябрь, 212-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

**Қанчалик ўзгаришлар бўлаётганини эътироф этмайлик, ҳали ҳам миллионлаб ҳамюртимиз хорижда меҳнат қилмоқда. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашганимда, уйига 300-400 доллар атрофида пул жўнатаётганини айтади. Лекин Ўзбекистонда ҳам ишлаб, бу пулдан кўпроқ топиш мумкин.**

Таҳлил

# ПУЛ ТОПИШ УЧУН ХОРИЖГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС



Юнус БЎРОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда



Расмийлар ҳар йили миллионлаб иш ўрни яратилганини айтса-да, негадир одамлар четга кетаверарди... Уларга муносабат ҳам салбий эди: "Ўз юртини қойиллатмаган, ўзга юртни қойиллатармиди?", "Ялқов, дангаса ва ишёқмаслargina четга ишга кетади".

Ҳа, бу яқин ўтмишимизнинг реал воқелиги эди. Яхшими-ёмонми, халқимиз ўша даврларни бошдан ўтказди. Уни унутишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, тарих — энг яхши муаллим.

## Жаҳон банки: 5,1 миллион аҳоли камбағалликдан чиқарилди

Хайриятки, сўнгги йилларда ишсизлик, камбағаллик, мигрантлар муаммоси юксак минбарлардан туриб расман тан олинди. Муаммонинг ечими уни тан олишдан бошланади.

Ўзбекистоннинг янги даврида камбағалликка барҳам бериш, энг аввало, четда юрган фуқароларимизни ортга қайтариш ва уларга муносиб меҳнат шароити яратиб бериш сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгиланди.

"Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" каби ижтимоий реестрлар ташкил қилинди. Шу пайтгача мавжуд маҳалла бошқарув ишлаш тизимига ўзгартириш киритилиб, "маҳалла еттилиги" фаолияти йўлга қўйилди. Ҳар бир оила "хонадонбай" ўрганилди. Тоифаларга ажратиб чиқилди. Бу ўрганишлар муаммо кўлами қанчалик эканини аниқлашда ва уларни бартараф этиш, ресурсларни тўғри тақсимлашда ҳал қилувчи омилга айланди.

Манзилли ёрдамлар ҳар бир оилага кириб борди. Ижтимоий мақсадларни кўзлайдиган дастурлар ишга туширилди. Фоизи паст, ҳар бир оила бажара оладиган кичик бизнес лойиҳалари маҳаллаларда изчиллик билан амалга оширила бошланди. Кимдир янтоқ босиб ётган томорқасида мўъжазгина иссиқхона қурди, кимдир паррандачиликка қўл урди. Яна кимдир тикувчиликни йўлга қўйиб, оилавий корхонасига асос солди. Яқин йилларга қадар кўмакка муҳтож қатламнинг аксарияти бугун мулкдорга, ишловчидан иш берувчига айланди. Халқ мақолида айтилганидек, одамларга балиқ эмас, қармоқ берилди.

Юқоридаги каби саъй-ҳаракатлар қисқа фурсатларда ўз натижаларини кўрсата бошлади. Одамлар узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшаши керак, деган эзгу ғоя амалда ифодасини топа бошлади. Бу ҳақиқатни халқаро институтлар, ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда.

Жумладан, Жаҳон банки 2024 йил 9 майда "Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш йўли: халқаро таққослаш дастури хулосалари" ҳисоботини эълон қилди.

Унда Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда камбағаллик даражаси 2 баробар қисқаргани, мамлакатимиз Европа ва Марказий Осиё давлатлари ичида энг юқори натижага эришганлардан бири экани қайд этилган.

Бунда ўрта даромадли мамлакатларнинг юқори гуруҳига кирувчи давлатлар учун фойдаланиладиган халқаро камбағаллик чегараси бўйича Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 2015 йилдаги 35,9 фоиздан 2022 йилда 17,3 фоизгача пасайиб, 5,1 миллион аҳоли камбағаллик ҳолатидан чиқарилгани айтилган.

Шу билан бирга, ҳисоботда миллий камбағаллик чегараси 2021 йилдаги 17 фоиздан 2023 йилда 11 фоизгача пасайгани таъкидланган. Жумладан, 2021-2023 йилларда қишлоқ жойларда 1,2 миллион ва шаҳарларда 400 минг аҳоли камбағалликдан чиқарилган.

Ўз навбатида, Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги иқтисодчилари томонидан камбағалликнинг қисқариши ва аҳоли турмуш даражасининг ўзгаришини кўрсатувчи маълумотлар таҳлил қилинди. Хусусан, 2015-2023 йилларда уй хўжаликлари сони 6,2 миллионтадан 7,3 миллионтага етганига қарамай, 2015 йилда 10 та уй хўжалигидан 4 тасида автомобиль бўлган бўлса, 2023 йилда мазкур кўрсаткич 6 тагача етди.

Сўнгги эълон қилинган статистика ҳам ўзбекистонлик мигрантлар ўз юртига қайтаётганини тасдиқлаб турибди. Хусусан, 2024 йилнинг январь-март ойларида 58 минг, апрелда 57 минг ўзбекистонлик меҳнат миграциясидан қайтиб келди. Йил охиригача яна 250-300 минг фуқаромиз мамлакатга қайтиши прогноз қилинмоқда.

## "Биз сизни кутаётгандик, Ўзбекистонга хуш келибсиз!"



Канада пойтахтига кираверишда "Биз сизни кутаётгандик, Торонтога хуш келибсиз!" деган ёзув бор. Хоҳ сайёҳ, хоҳ яшаш ва ишлаш учун келаётган ҳар бир одамда бу илиқ сўзлар ўзгача ёқимли ҳиссиёт уйғотиши табиий. Канада мигрантлар учун энг қулай мамлакат ҳисобланади. Малакали, ноёб касб эгаларига Канадада яхшироқ жойлашиб, мослашиб олиши учун кўплаб дастурлар ишга туширилган.

Бундан икки йилча олдин оиласи билан шу давлатга кўчиб кетган бир дўстимиз уйи яқинидаги савдо дўконига бозорлик учун кирганида унга 200 долларлик ваучер тақдим этилибди. Унинг айтишича, янги кўчиб келганлар яхшироқ жойлашиб олиши учун шу каби амалий дастаклар билан қўллаб-қувватланар экан.

Канада ривожланган ва энг бой давлат. Миграция қонунчилиги оддий касб эгалари мамлакатга киришига йўл қўймайди. Шу боис, мамлакатга "қора ишчилар" эмас, энг малакали ва ноёб касб эгалари ишлашга боради.

Яна бир мисол. 2005 йилда Европа Иттифоқи оиласи Шарқий Европа мамлакатлари ҳисобига кенгаяди. Чегаралар олиб ташланади. Шундан сўнг Польша, Чехия, Литва, Латвия сингари давлатлардаги энг яхши касб эгалари иттифоқнинг нисбатан бой ва ривожланган ғарбий қисмига оммавий кўчиб ўта бошлайди. Бу эса иттифоқнинг янги аъзолари иқтисодиётида ўсиш пасайиб кетишига олиб келади. Шундан сўнг Шарқий Европа давлатлари малакали мутахассисларни ўзида тутиб қолишга қаратилган дастурларни ишга туширишга мажбур бўлади.

Зеро, мамлакатни ақлли ва "олтин" бошлар ривожлантиради. Бизда ҳам хорижда яшаб, нуфузли компанияларда раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилаётган ҳамюртларимизни ўз ватанига қайтариш бўйича давлат дастурлари ишга туширилган. Айни пайтда улар масъул лавозимларда меҳнат қилиб, юртимиз тараққиётига ҳиссасини қўшмоқда. Лекин бу ишлар ҳали етарли эмас. Канада ва Шарқий Европа мамлакатлари каби аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларни изчил ҳаётга татбиқ этишимиз лозим.

## Ривожланаётган мамлакатларга одамлар ишлашга келади

Яқинда бир статистикага кўзим тушиб қолди. Шу пайтга қадар юртимизнинг энг олис вилоятларидан бири — Сурхондарёда 2017 йилда 25 минг 674 корхона фаолият юритган экан. Ўтган йил якуни билан уларнинг сони 46 минг 250 тадан ошибди. Деярли икки баробар ўсиш. Энди тасаввур қилинг, бу корхоналарнинг ҳар бирида ўртача 10 тадан ишчи ишласа, Сурхондарёда қанча иш ўрни очилганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу биргина Сурхондарёдаги кўрсаткич. Ўтган йиллар ҳақиқатан Ўзбекистон учун ривожланиш йиллари бўлди.

Фейсбукда бир ҳамюртимиз яқинда таксига чиққанини, ҳайдовчи Бангладеш фуқароси эканини ҳаяжонланиб ёзибди. У қўйган пост изоҳларида эса хитойликлар, ҳиндистонликлар ҳам Тошкент кўчаларида таксичилик қилаётганини айтишган.

Икки-уч йил олдин Тошкентнинг қоқ марказидаги бир маъмурий бино реконструкция қилинди. Унда асосан, бир неча юзлаб турк қурувчилари ишлаганига гувоҳ бўлганман. Айни пайтда банкларда, вазирликларда кўплаб чет элликлар фаолият юритмоқда.

Юқоридаги пост изоҳида бир кузатувчи Ўзбекистонда чет элликлар кўпаяётганини оғриқли қабул қилиб, тез орада меҳнат бозоримизда кучли рақобат муҳити пайдо бўлишини ёзибди.

Лекин мен бу фикрга қўшилмайман. Чунки ривожланаётган мамлакатларгагина бошқа давлатлардан одамлар ишлашга, яшашга келади. Ўзининг, оила аъзоларининг тақдирини истиқболи порлоқ давлат билан боғлайди. Чет элликлар ватанимизга интилаётган экан, демак, Ўзбекистон ривожланмоқда.

## Ишсиз эди, иш берувчига айланди

"Мактабни тамомлаб, тайинли бирор жойдан иш тополмагач, ўртоғимга қўшилиб хорижга кетдим. Ҳолва деган билан оғиз ширин бўлмас, деганларидек чет давлатда ҳам ҳеч ким шунчаки пул бериб қўймас экан. Бошида ҳужжат қилиш, ётоқ жой топиш ишлари билан анча вақтимиз кетди. Кейин кичикроқ корхонага бир кишининг ёрдами билан ишга жойлашдик. Тинимсиз меҳнат қилганимизга яраша бераётган маоши тўғри келмасди. Жуда кам эди. У жойдан бўшаб, бошқа ишга ўтдик, — дейди қамашилик тадбиркор Аббос Жумаев. — Бир ярим йилдан ортиқ хорижда юрган бўлсам, ҳеч бирим икки бўлмади. Шу қилган меҳнатни ўз ҳовлимда қилсам ҳам яхши даромад топардим-ку, дея кўп ўйладим. Охири бўлмагач, уйга қайтдим. Хориждаги сарсонгарчилик мен учун сабоқ бўлди. Юртимизда тадбиркорлик қилиш учун шунчалик катта йўл очилган экан, нега мен ҳам бундан фойдаланмаслигим керак, дея астойдил ҳаракатни бошладим.

Отам аввалдан косиблик қиларди. Мен ҳам ёшлигимдан бу ҳунарни яхши ўргангандим. Шу сабаб пойабзал ишлаб чиқаришга қизиқиш пайдо бўлди. Бошида бу йўналишда шуғулланаётган ишбилармонларнинг маслаҳатини олдим. Уларнинг тажрибаси билан танишиб чиқдим. Кейинчалик режа асосида аввал якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтдим. Кейин водийдаги шу йўналишда меҳнат қилаётган ҳунармандлар билан алоқа қилиб, қайта ишланган тери маҳсулотларини олиб келиб, шу ернинг ўзида эркаклар оёқ кийими тайёрлашга киришдим.

Албатта, бу ишларни бошлаш учун маблағ лозим эди. Бу борада банкдагилар менга яхши кўмакчи бўлди. Имтиёзли кредит ажратишди. Бошида бир оз қийинчиликлар бўлди, лекин киши ўзи истаса, ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтишга қодир экан. Оиламиз билан биргаликда олдинга интилганимиз натижа берди. Қамаши туманида биринчилардан бўлиб пойабзал ишлаб чиқаришни бошладик.

Ҳозир цехимиз бор. Керакли жиҳозлар билан таъминланган. Яримтайёр маҳсулотларни ҳамкорларимиздан харид қилиб, цехимизда қайта ишлов бериб, тайёр ҳолга келтирамиз. Ўз дўконимизда сотувни ҳам йўлга қўйганмиз.

Бугун оиламизда тўрт киши шу иш билан банд. Шу билан бирга, маҳалламизда ишсиз, миграциядан қайтган уч нафар ёшнинг бандлигини таъминлаганмиз. Ойликлари яхши. Ишлаб чиқариш ҳажмига қараб даромадимиз ҳам ортиб бормоқда".

— Узоқ йиллар иш тополмай, уйда ўтириб қолдим, — дейди Қўштепа тумани "Ҳаққулобод" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ёрқиной Йўлдошева. — Маҳалла фаоллари билан мулоқотда тикувчилик малакам борлиги, аммо тикув машинаси харид қилишга имкон топа олмаётганимни билдирдим. Менга субсидия асосида тикув машинаси беришди. Дастлаб уйда ётоқхона чойшаблари, миллий либослар тикдим. Ишимизни кенгайтириш мақсадида маҳалла ҳудудидаги бўш бинони ижарага олдик. Айни кунда 11 та тикув машинамиз бор. Асосан, миллий либослар, уй-рўзғор буюмлари, кўрпа-тўшак тайёрлаб сотишни йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, "устоз-шогирд" анъаналари асосида маҳалладаги хотин-қизларга касб сирларини ўргатиб келяпман. Ҳозир ҳунармандлик туризмини ривожлантириш йўналишида янги лойиҳаларни ишга туширишни мақсад қилганмиз. Бу орқали яна ўнлаб хотин-қизлар бандлиги таъминланади. Битта оила ҳаёт тарзини яхшилаш йўлида берилган бу имкониятлар нафақат ўз оилам, қўни-қўшнилар корига яраётгани, жамият тараққиётига оз бўлса-да, ҳисса қўшаётганимдан хурсандман.



## "mehnat.uz"ни оммалаштириш зарур

Қанчалик ўзгаришлар бўлаётганини эътироф этмайлик, ҳали ҳам миллионлаб ҳамюртимиз хорижда меҳнат қилмоқда. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашганимда, уйига 300-400 доллар атрофида пул жўнатаётганини айтади.

Лекин Ўзбекистонда ҳам ишлаб, бу пулдан кўпроқ топиш мумкин. Дейлик, Булунғурда мавсумий ишларга бир кунда ўртача 200-250 минг сўм ҳақ олиш эвазига ишчилар ёлланаётган экан.

Ҳали ҳам жойларда "Меҳнат ярмаркалари" ташкил этиляпти. Бундай тадбирларнинг аксарияти ҳисобот учун ўтказилаётгани, уларда таклиф этилаётган иш ўринларининг шароити ва маоши кам бўлгани боис, бу эскирган усулдан тезроқ воз кечиш керак.

Интернетда, ижтимоий тармоқларда иш ўринлари ҳақида атрофлича маълумот бериб борадиган ҳаммага қулай ва осон оммавий платформалар яратиш лозим. Шу орқали меҳнат бозорини жозибадор қилиш мумкин.

Тўғри, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига тегишли mehnat.uz сайти мавжуд. Бу ерда, асосан, меҳнат бозорига оид статистикалар келтирилган. "Ўзбекистонда иш топиш" бўлимига боссангиз, бутун мамлакат бўйлаб бўш иш ўринлари кўрсатилади. Улар билан танишар эканман, эълонларда 1 миллиондан 2 миллион сўмгача маош таклиф этилган. Бу ойлик билан бугун рўзғор тебратиб бўлмаслиги кундек равшан. Қолаверса, сайтга, асосан, бюджет ташкилотларидаги вакансиялар киритилган. Сайтга юқори маош тўлайдиган компаниялар ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳам жалб қилиш керак. Масалан, барча банкларнинг сайтларида юзлаб иш ўринлари бўйича эълонлар бор. Уларнинг ҳаммасини бир платформага жамлаш зарур. Қолаверса, mehnat.uzни оммалаштириш керак. Шундай сайт борлигини кўпчилик билиши лозим. Демоқчимизки, сайт номига ишламасин. Токи иш учун чет элга отланаётган фуқароларимиз Ўзбекистон меҳнат бозори ҳақида яхши тушунчага ва тасаввурга эга бўлсин.

Долзарб мавзу

# КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАР

## МУОМАЛАСИ ҚАНДАЙ ТАРТИБГА СОЛИНМОҚДА?

**Мамлакатимизда кейинги йилларда кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кучли таъсир қилувчи моддаларни тиббиёт амалиётида қўллаш ва уларнинг муомаласини тартибга солиш, шунингдек, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит ўтказишда назоратни таъминлаш мақсадида муҳим ҳужжат қабул қилинди. Яъни Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 октябрдаги қарори билан Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

— Нотиббий мақсадда фойдаланиш ёки дозалар оширилиши натижасида инсон саломатлиги ва руҳиятига фаол таъсир кўрсатувчи, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 сентябрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган рўйхатда белгиланган моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситалари алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ҳисобланади, — дейди Божхона қўмитаси матбуот котиби Ҳусан Тангриев. — Рўйхатда алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар сифатида "Залеплон", "Прегабалин", "Тропикамид", "Циклопентолат", "Габапентин" киритилган.

Бундай моддаларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан юртимизга олиб кириш ва олиб чиқишга қуйидаги ҳолларда рухсат берилади. Жумладан, мамлакатда бўлиш даврида, икки ҳафталик эҳтиёждан ортиқ бўлмаган миқдорда жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган, бемор яшаган мамлакатдаги тиббиёт муассасаси шифокори томонидан алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига кирувчи моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситаларининг тури, буюрилган қабул қилиш ва давомийлик муддати кўрсатилган ҳужжати (шифокор хулосаси) ёки рецепт нусхаси мавжуд бўлса.




Шунингдек, республика ҳудудида ва унинг ҳудудидан ташқарида яшаб турган беморни даволаш-профилактика муассасаси томонидан тасдиқланган тиббий кўрсатма асосида даволаш курси доирасида даволаш учун мўлжалланган ҳамда дипломатик ваколатхоналар ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг дипломатик ҳамда маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан, улар билан бирга яшаб турган оила аъзоларининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса.

Бундан ташқари, республика ҳудудига кириб келаётган ёки чиқиб кетаётган транспорт воситасининг йўловчиларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ва тиббий дорилар қутичаси таркибига киритилган ва Ўзбекистон ва унинг ташқарисида ўтказиладиган халқаро илмий, маданий, спорт тадбирлари иштирокчиларини ҳамда халқаро экспедициялар иштирокчиларини даволаш учун мўлжалланган бўлса.

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни почта ва курьерлик жўнатмалари, жумладан, халқаро почта жўнатмаларидан юбориш тақиқланади.

Мазкур моддаларни икки ҳафталик эҳтиёждан ортиқ бўлмаган миқдорда олиб кириш ва олиб чиқишда жисмоний шахслар томонидан божхона органларига бўлиш ёки яшаш мамлакатининг тиббиёт муассасасидан унинг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган дорининг номини, унинг доривор шаклини ва даволаш курсига тавсия қилинган миқдорини кўрсатган ҳолда муайян жисмоний шахсга берилган ҳужжат тақдим этилади.

Тиббиёт муассасаси томонидан берилган ҳужжат ва декларацияда кўрсатилган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг номи ва миқдоридан ортиғини олиб ўтиш тақиқланади.

Жисмоний шахс ушбу тоифадаги моддаларни шахсий фойдаланиш учун олиб кириш ва олиб чиқишда тақдим этилган маълумотнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавоб беради.

Мазкур моддаларни юридик шахслар томонидан Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш психотроп моддаларни Ўзбекистон ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартиби асосида амалга оширилади.

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортларида ташиш фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Мазкур моддалар ҳаво кемасининг юк-багаж бўлимлари ва темир йўл юк вагонларида (қўл юки сифатида эмас) масъул шахс кузатувида ташилади. Шунингдек, катта миқдорда ташиш жараёнлари масъул ходимларнинг қўриқловида амалга оширилиши мумкин. Ташиш учун масъул шахс, қўриқлаш ходимлари, ташишни амалга оширувчи ходимлар, автотранспорт воситаларнинг ҳайдовчилари юк жўнатувчи ёки юк олувчининг буйруғи (фармойиши) билан тайинланади.

Ҳозир Божхона қўмитаси томонидан чегара ўтказиш пунктлари ва божхона постларида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати ва ушбу моддаларни декларациялаш мажбурияти тўғрисида тегишли маълумотларни жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Республикамиз божхоначилари жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида аниқланган 224 та контрабанда ва божхона қонунбузилиши ҳолатида 874 минг дона таблетка ва ампула кўринишида 90 дона ҳамда 16,3 кило оғирликдаги психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг божхона чегаралари орқали ноқонуний равишда олиб ўтилиши ва ички ҳудуддаги яширин айланмасига чек қўйган.

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

# 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

## ТИЛНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ ЎЗИНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШ ДЕМАКДИР

**Юртимизда давлат тили соҳасидаги ислоҳотлар тўла амалга ошиши учун барча бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши керак. Кимдир мен ишбилармонман, яна кимдир мен саноатчиман, бу иш ўзбек тили мутахассисларига, адабиётчиларга, маънавият ва маърифатчиларга алоқадор вазифа, деса ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Тилимизга муносабат эскича қолаверади.**



**Эшмирза АБДУАЛИМОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси**

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш, ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ҳамда мавқеини ошириш борасида қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимида намунали ишлар қилинмоқда. Хусусан, давлат тилига доир қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини тушунтириш, тарғиб қилиш, ходимларга давлат тилини чуқур ўрганиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича бажарилаётган ишлар аллақачон ўз самарасини бера бошлади.

Сўнгги йиллар тажрибаси давлат тилини ривожлантириш масалалари вазирликнинг барча қуйи бўғинларида ўзаро узвий ва мувофиқлашган ҳолда амалга оширилсагина, кўзланган натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Тизимдаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларидан ташкил этилган саккизта ишчи гуруҳ жорий йилнинг май-июнь ойларида қуйи бўғин ташкилотларининг маънавий-маърифий ишлар, давлат тилини жорий қилиш борасидаги фаолиятини ўрганди.

Шу йилнинг 20 сентябрь ҳолатига кўра, вазирлик тизимидаги 132 та республика ва ҳудудий ташкилотда тегишли буйруқлар асосида давлат тилини жорий қилиш учун масъул ходимлар белгиланган. Уларнинг иш ҳақига устамалар тўлаб берилади.

Вазирлик ва унинг ҳузуридаги ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда ҳудудий ташкилотлар, корхона ва муассасаларда иш юритиш, шунингдек, расмий бланкалар, муҳрлар, идоравий ички ва ташқи ёзувлар тўлиқ давлат тили — лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда 2023 йил 7 июлдаги “Аграр соҳада илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграция қилиш орқали сифат ва самарадорликни оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган вазифалар доирасида ўтган йилнинг декабрь ойида 3 минг нусхада “Қишлоқ хўжалигига оид атамаларнинг изоҳли луғати” чоп этилди. Муҳими, ушбу луғат жорий йилнинг биринчи чорагида тизимдаги ташкилот ва муассасалар, ҳамкор вазирлик, идоралар, олий ҳамда профессионал таълим муассасалари ахборот-ресурс кутубхоналарига етказиб берилди.

Тизимдаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари томонидан сўнгги 3 йилда тайёрланган “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги энциклопедияси” жорий йилнинг июнь ойида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйига топширилди. Ҳозир мазкур китоб таҳрир этилиб, нашрга тайёрланмоқда. Бу ишлар йил охиригача якунланиб, соҳавий қомусий тўплам 4 жилдда чоп қилиниши режалаштирилган.

“Ветеринария тиббиётида қўлланиладиган терминлар изоҳли луғати” тайёрланиб, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали талабаларига тақдим этилди. “Ветеринария ва чорвачилик соҳасининг атамалар изоҳли луғати” нашрининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Вазирликнинг “agro.uz” сайти ҳамда вазирлик тизимидаги республика ва ҳудудий ташкилотларнинг 36 та сайти ва ижтимоий тармоғи лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида юритилмоқда.

Қишлоқ хўжалигининг барча йўналишларида таълим олаётган талаба ёшлар учун Тошкент давлат аграр университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси С.Холмирзаеванинг “Ўзбек тилининг соҳада қўлланилиши” дарслиги чоп этилди. Шунингдек, шу кафедра ўқитувчилари Ф.Ашурова ва М.Нуритдинованинг ҳам давлат тилида иш юритишга оид ўқув қўлланмаси тизимдаги олий ва профессионал таълим муассасалари талабалари қўлига бориб етди.

Вазирлик тизими барча бўғинларидаги 850 дан ортиқ ташкилот ва муассасада 28,8 мингдан зиёд ходим фаолият юритади. Улар учун давлат тилида идоравий иш юритиш бўйича 20 та видеодарс тайёрланди. Жойларда ўтказиладиган “Касбий маърифат соатлари”да шу видеодарслардан фойдаланилмоқда. Шунингдек, ходимлар улардан мустақил фойдаланиши учун вазирлик масофавий ўқитиш тизимига жойлаштирилди.

Тизимдаги ташкилот, корхона ва муассасалар ходимларининг иш компьютерларига кирилл ёзувидан лотин ёзувига ёки аксинча, саводли ўгирадиган ҳамда матнларнинг имловий жиҳатдан тўғрилигини аниқлаб берадиган транслит дастурлар ҳамда мобил иловалар ўрнатилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли олий таълим муассасаларининг ёшлар масалалари, маънавий-маърифий ишларга мутасадди 40 масъул ходими жорий йилнинг 24-27 июнь кунлари Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтида малака оширди. Кейинги 2 йилда уларнинг сони 272 нафарга етди.

Қуйи бўғинларда давлат тилини жорий қилишни тизимли ташкил этиш мақсадида 27 ходим Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларида таҳсил олди.

Вазирлик тизимидаги давлат тилини жорий қилиш, маънавий-маърифий ишларга мутасадди раҳбар ва масъул ходимлари телеграм гуруҳида “Газеталар шарҳи” ҳамда Давлат тилини ривожлантириш департаментининг расмий телеграм каналлари орқали электрон вариантда эълон қилинаётган даврий босма матбуот нашрлари, жумладан, газеталарда чоп этилаётган долзарб мавзулардаги мақолалар ва материаллар жойлаштирилиб, фаолиятда самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Шунингдек, мустақиллик байрами арафасида ва байрам кунлари вазирлик ҳамда унинг қуйи бўғилари ходимлари Қатағон қурбонлари хотираси музейи ва унинг филиалларида бўлиб, жадидчилик ҳаракати намояндалари, уларнинг истиқлол йўлидаги маърифатпарвар фаолияти, фидойилиги ҳамда аччиқ қисматига оид маълумотлар билан танишди.

Буларнинг барчаси давлат тилидан фойдаланишни кенгайтириш, шу орқали она тилимиз ривожига муносиб ҳисса қўшишга қаратилган. Ҳа, давлат тилида гапириш, иш юритиш касбидан, фаолиятидан қатъи назар, барча ўзбекистонликларнинг муҳим вазифасидир.



## МИЛЛАТНИНГ МАЪНАВИЙ ТИМСОЛИ

Бошланиши 1-бетда

Юқоридаги рақамларга эътибор берсак, унинг ортида атом бомбаси таъсиридан қолишмайдиган даражадаги таназзул ётибди. Яъни бир неча минг халқ ўз сўзлашиш забонидан айрилган. Таниқли адиб Пиримқул Қодиров “Ҳар бир халқнинг она тили ватаннинг маънавий тимсоли ҳисобланади. Демак, тилидан айрилган халқ маънавий ватанидан жудо бўлади”, дея жуда тўғри фикрни илгари сурган эди. Агар миллатнинг маънавий қиёфаси бўлмаса, бу ўз-ўзидан халқнинг қадриятларини ушлаб турган устуннинг қулашидир. Яъни юқорида рақамлар қанчадан қанча халқлар маънавий қиёфаси ёхуд ўзлигидан айрилганини билдиради. Тасаввур қилинг-а, миллат бор-у, унинг боласи бошқа тилда алла эшитади. Руҳи бошқа миллатнинг дунёқараши билан камол топади…

### Бефарқлик — иллатларнинг бош омили

Бугунги шиддатли давр ҳар бир миллатдошимизга масъулият юклаш билан бирга бир мушт бўлиб курашишни ҳам талаб қилмоқда. Айниқса, элнинг борлиги ва бирлиги рамзи бўлмиш тил масаласида. Она тилимизга давлат тили мақоми берилганда халқимиз ҳақли равишда қувонган. “Мен ўзбекман, ўзимга бекман”, дея ўз она тилида эркин гапира олмай, ватан озодлиги, тилнинг собитлиги учун жон олиб, жон берганларнинг руҳи шод бўлди. Аммо орадан йиллар ўтиб, тилнинг барҳаётлиги фақат қарорларга боғлиқ эмаслигини англаб бормоқдамиз.

Тил ривожи давлатнинг иқтисодий қудратига ҳам боғлиқ. Бугун юқори саноатлашган давлатлар нафақат иқтисодий таъсир кучи, балки бунинг ортидан тили ва бошқа қадриятларини халқаро майдонда ёйишга бор кучи билан ҳаракат қилмоқда. Афсуски, бунинг таъсир кўлами юртимизда ҳам, ёш авлод дунёқарашида ҳам сезила бошлади.

Биргина пойтахтимиз кўчаларини кузата туриб, бу юрт қайси миллатга тегишли эканини билиш қийин. Ҳар қадамда учрайдиган тадбиркорлик қўналғаларининг пештахталарига илиб қўйилган ажнабий сўзларни кўриб кўзимиз тўйди, эшитавериб қулоғимиз ўрганди. Ёмони, ўша дўконда ёки бошқа саноат соҳасида ишлаётган инсонларнинг аксарияти пештахтага ёзилган сўзнинг маъносини билмайди. Йилда бир-икки бора хорижлик меҳмон у тадбиркорлик объектига кирадими ёки йўқ, ном хорижники. Бунга шунчаки бефарқлик дея қараш керакми? “Ном қўйган билан ҳеч нарса ўзгариб қолмайди, муҳими, она тилимиз қалбимизда бўлиши”, дейдиган “ватанпарвар”лар ҳам топилишидан ажабланасан.

Инсоннинг комиллиги, шахслиги ортида тоза руҳ ётади. Бу руҳни сўз юксалтиради. Бешикда ётган боланинг руҳи сўз билан улуғланади. Бир кун келиб, у сўз орқали ота-онани, оға-инини танийди, оила деган муқаддас қўрғоннинг ҳимоячисига айланади. Миллатнинг қанотига айланиб, ватаннинг эрку озодлиги йўлида белини маҳкам боғлайди. Яъни бир инсоннинг ўзини, ўзлигини таниши йўлидаги ягона кўприк — она тили. Унинг йўқолиши миллатнинг мустақиллигини, элнинг борлигини сўроқ остига олади. Бундай масалалар ечими эса, албатта, қонуний асосни талаб этади.



**Сардор ТОЛЛИБОЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

### Энг муқаддас бурч

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони давлат тилига оид масалаларни тизимли ҳал этишга хизмат қилмоқда. Фармон билан 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тасдиқланган. Давлат тилини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Бугунги кунда 350 дан ортиқ вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органида раҳбарнинг давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Эътибор берсак, чекка вилоятларда эски тузумдан қолган номлар жуда кўп учрайди. Айни дамда тил маслаҳатчилари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ўтган даврда 100 мингдан ортиқ географик объектнинг номи белгиланган тартибда давлат реестрига киритилди.

Тилнинг барҳаётлигини таъминлайдиган асосий омиллардан бири саводхонлик даражасидир. Бугун нафақат ўзаро ёзишмаларда, балки маҳаллий ташкилотлар ва идораларда юритиладиган хат-ҳужжатларда хатолар кўплиги кўзга ташланади. Ачинарлиси, уларнинг бир қисми ҳамон давлат тилида юритилмаётгани одамни ўйлантиради.

Шунингдек, кўчаларда берилаётган эълонларнинг аксарида хатолар учраши ҳам одатий ҳол бўлиб қолди. Албатта, бунга қарши чоралар кўрилмоқда. Масалан, сўнгги вақтларда ҳудудлардаги 150 мингдан ортиқ ташқи ёзув давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилган.

Она тилимизнинг қўлланишини замон талабларига ҳамқадам қилишимиз, шунингдек, ўзбек тилида интернетдан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш керак. Бунинг учун, аввало, бошқа тиллардан ўзбек тилига таржима қиладиган электрон тизимлар, луғатлар яратишимиз зарур. Шунингдек, дунё миқёсидаги замонавий фанларга доир илмий асарларни ўзбек тилига таржима қилишимиз керак. Бу борада ҳам ҳаминқадар ишланмоқда. Мисол учун, Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2020-2024 йилларда 58 номда 152 минг нусхадан ортиқ соҳавий луғат ва қўлланма чоп этилди.

Давлат тилини рақамлаштириш борасида муайян ишлар қилинди. Масалан, “Ўзбек тили изоҳли луғати”нинг веб-сайти — izohli.uz яратилди. Ўзбекча матнларни таҳрир қилиш ҳамда уларни лотин ва кирилл ёзувига ўгириш, сўзларнинг луғавий маъносини кўрсатишга мўлжалланган tahrirlovchi.uz электрон дастури ишга туширилди.

### Она тили умуммиллат мулкидир

35 йил кам муддат эмас. Бу фурсатда тилимизнинг грамматик қоидалари шакллантирилди. Шу билан бирга, ҳал қилиниши зарур масалалар ҳам бор. Шулардан бири ўзбек тилини илм тилига айлантиришдир. Аксарият илмий ишлар, мақола ва диссертациялар ўзбек тилида ёзилаётгани қувонарли ҳол. Аммо элакни сувдан кўтариб, атрофга реал кўз билан қарасак, бу борадаги ишлар талайгина эканига гувоҳ бўламиз. Айрим илмий ишлар ҳамон хорижий тилларда ёзилиб, ўша тилда ҳимоя қилинмоқда. Эҳтимол, олим дунё миқёсидаги энг долзарб мавзуда илмий иш ёқлагандир. Аммо ўз тилининг аҳамиятини билмай туриб, бу мавзунинг инсоният учун муҳимлигини қандай тушунтиради? Паспортига “ўзбек” дея ёзиб қўйилганини улар шу йўл билан исботлаяптими? Хўш, унинг ўз тилида ёзмаслигига нима халақит бермоқда?

Шу ўринда Эркин Воҳидовнинг сўзлари ёдга келади: “Она тили умуммиллат мулкидир, демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир. Эски тузум барбод бўлди. Остановка турганда бекат, район турганда туман, вилка турганда санчқи дейишга нима бор, дегувчиларнинг даври ўтди”.

Тилнинг ҳам уволи бор, дейишади. Бугун ажнабий сўзлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётганини кўриб мум тишлаб ўтирсак, ёш авлодни қандай қилиб она тилимизга ҳурмат руҳида тарбиялаймиз?!

Шу ўринда бир масалага тўхталсак. Тилимиз, мазкур мавзу атрофидаги масалалар ҳақида кўп гапирилмоқда. Ҳатто бу борада қонунлар қабул қилинмоқда. Лекин ҳар ким ўз-ўзига савол бериб кўрсин-чи: тилимизни кимдан муҳофаза қиляпмиз? Она тилида ўзаро мулоқотда шевада гапиришдан фахр туядиган миллатдошданми ёки ижтимоий тармоқлардаги ёзишмаларда саводхонликнинг кўчасидан ўтмаган, хорижий тилни ўрганиб, ўзга давлатга кетиш мақсадида ўзбек тилида гаплашишдан иймаnadиган ёшларданми? Ёки хат-саводсиз ҳам яшаш мумкинлигини исботлашга уринаётган инсонларданми?

Тил ўрганиш яхши. Бежиз улуғлар “Иш билганга бир танга, тил билганга минг танга”, демаган. Бошқа давлатларнинг ютуғини ўша тилда ўрганиш шахс камолоти йўлида катта вазифани ўтайди. Аммо буни ўз тилимизни оёқости қилиш билан амалга ошириш керак эмас.

Тил ҳимояси бир кишининг қўлидан келмайди! Унга шу миллатга мансуб барча инсонлар бирдек масъул. Уни ҳимоя қилиш учун тилшунос бўлиш ҳам шарт эмас. Ҳар бир ота-она фарзандида ўз она тили ҳақидаги тасаввурларни тўғри шакллантириб, унга она тилига бўлган тоза руҳни сингдириши энг муқаддас бурч.

Бугун тилимиз борасида қилинаётган ишлар самараси одамни қувонтиради, албатта. Шу билан бирга, ҳар бир инсон бу йўлда енг шимариб келажак учун ҳаракат қилиши зарур. Биз тилимизга ачиниб қарамай, балки ундан фахрланиш туйғусини ҳис этиб яшашимиз керак.

# Инсон қадри учун

## МЕҲР ВА МУРУВВАТ МАСКАНИ

**Орамизда шундай инсонлар борки, доимо эътиборга, мурувватга муҳтож. Улар учун юртимизда “Мурувват”, “Саховат” уйлари фаолияти йўлга қўйилган. Бундай масканларда умр кечираётганларнинг ҳам ўз дунёси, ўз ички “мен”и ва албатта, ҳаётга бўлган ўзига хос қарашлари бор.**



Нуротадаги “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун эркаклар интернат уйида ҳам беморлиги ва имконияти чеклангани сабабли соғлом жамиятда яшаши мушкул бўлган инсонларга барча шароитлар яратилган.

Ушбу масканда бўлганимизда интернат уйида ташкил этилган кутубхонадан эшитилган овоз эътиборимизни тортди:

***Гулларга Ватандир бу чаманзорлар,***
***Ватанин куйлайди булбули зорлар.***
***Булбулдай шоирман, қўлда қаламим,***
***Мен ҳам бир куйлайин сени Ватаним.***

Шеър айтаётган йигитни интернат уйида барча шоир деб ҳурмат қилади. Туғма ногиронлиги бўлган қашқадарёлик Шоди Ражабов бир неча йиллардан буён яратилган имкониятлардан баҳраманд бўлиб, шу масканда истиқомат қилади.

— Чироқчи туманида туғилганман. Бу ерга келганимга олти йилдан ошди. Биз каби инсонлар учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Ёшлигимдан шеър ёзишга қизиқаман. Интернат уйида ҳам ижодимни давом эттириб, ҳомийлар кўмагида “Ёруғлик сари” шеърий тўпламимни нашрдан чиқардим. Кутубхона севимли масканим ва бу ерда ўз ижод намуналаримни бошқаларга ҳам ўқиб бераман. Биз доимо давлатимиз ғамхўрлигини ҳис қилиб турамиз. Турли ташкилотлар вакиллари ва мутасаддилар ҳолимиздан мунтазам хабар олади. Шу боис, ўзимизни жамиятдан айро ҳис қилмаймиз. Бу ерда ижод қилиш, имкони бўлганларга касб-ҳунар ўрганиш учун ҳам қулайликлар бор, — дейди Шоди Ражабов.

Нуротадаги “Мурувват” эркаклар интернат уйида нафақат Навоий вилояти, балки республикамизнинг турли ҳудудларидан ногиронлиги бўлган фуқаролар яшаб келмоқда. Сўнгги йилларда бу ердаги шароитлар янада яхшиланди. Маъмурият биноси, янги кутубхона, яқинларини кўриш учун келганлар учун меҳмонхона қурилиб, интернат уйи биноси қайта тўлиқ таъмирланди. Шунингдек, ҳудудда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Манзарали ва мевали дарахт экилди. Атрофдаги гулзор, тозаликни кўриб, кишининг баҳри дили очилади. Ҳовлидаги чаманзор, турфа рангда очилган гуллар, озодалик Нуротанинг мусаффо ҳавосига мос. Соғинч изтироби, қалбида бир кемтиклик билан яқинини кўргани келганларга ана шу кўркамлик, ободлик таскин ва ҳаловат берадигандек гўё.

— Ушбу интернат уйи 1994 йилда ташкил этилган. Ҳозир масканда ногиронлиги бор 325 фуқаро яшайди. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгандан кейин бу ерда янада ижобий ўзгаришлар юз берди. Беморлар ва уларнинг ҳолидан хабар олиш учун келган яқинларига зарур шароитлар яратилди. Айни вақтда масофадан туриб, онлайн суҳбатлашиш ҳам йўлга қўйилди, — дейди интернат уйи директори Шуҳрат Норов.

Дарҳақиқат, ушбу меҳр маскани Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизимига ўтгач, бу ердаги инсонларнинг яқинлари билан доимий алоқада бўлиши учун ижтимоий ходимлар бириктирилиб, улар барча зарур техник воситалар билан таъминланди. Қувонарлиси, бу ерда шифо топиб, ижтимоий ҳаётга қайтаётган фуқаролар ҳам бор. Жорий йилда 5 нафар бемор мутахассислар хулосасига кўра ўз оиласи бағрига қайтди.

Интернат уйидаги спорт, рассомлик, дурадгорлик ва ҳунармандлик тўгараклари бу ердагиларнинг севимли масканига айланган. Ҳар бири қизиқишига қараб тўгаракларга қатнашади. Бундан ташқари, маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари мунтазам ташкил этиб борилади.

— Улар бўш вақтини мазмунли ўтказиши муҳим. Ҳар хил ҳолатдаги беморлар бор ва шуни инобатга олган ҳолда машғулотлар турларини танлаймиз. Ҳунармандликка қизиқувчилар кўп. Турли буюмларни ясашни ўрганишади. Шунингдек, улар маданий-маърифий тадбирларда ҳам фаол. Орасида иқтидорлилари талайгина. Сурат чизишади, шеърлар ёзишади, муҳими, ўзлари севган машғулот билан банд бўлишади, — дейди интернат уйи маданий ишлар ташкилотчиси Фарида Яхшиликова.

“Мурувват уйи”да турли муолажалар билан бир қаторда физиотерапия ва фитобар ташкил этилган. Ошхонада эса парҳезбоп, шунингдек, мутахассислар тавсиясига кўра, витаминларга бой таомлар тайёрланади. Бу жиҳатлар ҳам масканадаги фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

*Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг 70 йиллиги*

# ВАТАННИ СЕВИШ ФАНИДАН ШЕЪРИЙ САБОҚ ЎТГАН ШОИР








**Пойтахтимиз Ўзбекистоннинг юраги, Тошкентнинг юраги эса Адиблар хиёбонидир. Давлатимиз раҳбари хиёбондаги йигирма тўрт сўз заргари — мутафаккирлару шоирлар ҳайкали қошида барча зиёлиларга қарата “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак”, деганди.**

**Сайёра ТЎЙЧИЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси**

Ўшанда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессор-ўқитувчиларига, ижодкор ёшларига мустақиллик куйчиси, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф ижодини тарғиб қилиш вазифаси берилганди. Ўтган даврда шоир ижодий мероси турли тилларга таржима қилинди. Туркий тилли давлатлар олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда илмий-амалий конференциялар ўтказилди. Шоир достонлари асосида спектакллар саҳналаштирилди. Муҳаммад Юсуф номидаги махсус стипендия таъсис этилди.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг етмиш йиллик хотира кечасига бағишланган маънавий-маърифий тадбирда шулар хаёлимдан ўтди. “Туркистон” саройининг байрамона безатилган саҳнасида ҳақиқий ўзбекона сатрлар билан айтилаётган қўшиқларни тинглаб, булбулнафас шоирнинг

***“Айланайин қора қошу кўзингдан-а,***
***Ўзингдан қўймасин, халқим,***
***ўзингдан-а!”***

сатрларини беихтиёр такрорлайман. Қўлимда эса Муҳаммад Юсуфнинг янги босмадан чиққан “Танланган асарлар”и. Унга устозимиз, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид сўзбоши ёзган. Ушбу китобда сўз, шеър, шоирнинг ҳаёт йўли, тақдирини белгилаб бергани, миллат зиёлилари халқнинг маёғи экани ҳақидаги ёниқ мисралар онгу шууримизни ёритади.

* * *

Йигирманчи аср ўзбек шеъриятини беназир ва нодир сатрлари билан бойитган Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф шеъриятида ватанни куйлашдаги ҳақиқий ўзбекка хос жўмардлик, бағрикенглик, соддалик ва тўғри сўзни айта олишдек фавқулодда ҳайрат ва сеҳр бор. Бу ҳайрат, фусун ўқувчига дунёдаги энг хушбўй она тупроқнинг, буғдойнинг иси экани, инсонга берилган бебаҳо умрнинг мазмуни эзгулик ва яхшиликдан иборат бўлиши кераклиги ҳақидаги ҳикматни англатади.

Ўз сўзи, теран тафаккури билан адабиётимиз осмонини кенгайтирган шоирлар кўп. Лекин қисқа умри давомида миллий шеърият ва замонавий қўшиқчилик санъатига беҳад зеб берган Муҳаммад Юсуфнинг айтар сўзи бошқача!

Муҳаммад Юсуф умр бўйи орттиргани, топган бойлиги — ватанига бениҳоя муҳаббати, бутун миллатни ватанпарвар, элпарвар, эркпарвар қилиб тарбиялашга етадиган даражада моҳиятли, қудратли шеърияти билан ҳайратингизни оширади. Шу ҳайрат она ватанни севишни, ардоқлашни, асрашни ўргатади. “Сўзда сеҳр, шеърда ҳикмат бор” иборасининг асл маъносини англатади.

Шоир баландпарвоз, жимжимадор, силлиқ сўзлар эмас, мағзи тўқ ўхшатмалар билан юрагингизга ватан сувратини чизади. Ватан туйғуси хокисор онангиз, райҳондек маъсум, мунгли синглингиз янглиғ меҳрингизни оширади.

***Кўҳна толбешикдан***
***Бошланган олам,***
***Сенга иддаолар***
***Қилмай севаман.***
***Бир куни синглим, деб,***
***Бир куни онам —***
***Ватан,***
***Кимлигингни***
***Билмай севаман!..***

Ота юрт, она ватан ҳақида бундан ортиқ содда ва халқона таъриф айтиб бўладими?!

Муҳаммад Юсуфнинг киши эътиборини тортадиган дилтортар шеърлари тилингиз учидаги, ҳозир айтмоқчи бўлган гапингизни айтадигандай дилга яқин, олифта сўзлардан йироқ. Уни мутолаа қиларкансиз, “мен ота-онамга, элимга, ватанимга нима наф келтира олдим, суянч бўлолдимми?!” деган савол ҳар бир сатрда хаёлингиздан ўтади. Айни дам дунё ташвишларини унутиб, фикрлай, англай бошлайсиз:

***Мен дунёни нима қилдим,***
***Ўзинг жону жаҳоним,***
***Ўзим хоқон,***
***Ўзим султон,***
***Сен тахти Сулаймоним,***
***Ёлғизим,***
***Ягонам деймми,***
***Топинган кошонам деймми,***
***Ўзинг менинг улуғлардан***
***Улуғимсан ватаним!***

Бетакрор сатрлар орқали бошинг кўкда бўлса ҳам илдизларинг ер бағрига маҳкам қадалган чинорсан, юрагимга қадаб қўйган туморимсан, шунча буюкларинг, улуғларингни санадим, лекин ҳаммасидан улуғим, ўзинг беминнатим, Ўзбекистоним, дея боласидек эркалаб айтади. Шоир райҳонни синглим дейди, чумолидан ҳол сўрайди, капалакка сир айтади, қизғалдоқнинг бошини силайди, шамол билан муштлашади, жайроннинг кўз ёшини артади, тиллақўнғизни суҳбатга тортади, сумалакни таърифлайди, турна билан ака-сингил тутиниб, ялпизга суянади. Ардоқли шоиримиз ўткинчи дунёнинг бор қувончу изтироби фақат ўз ерингда татишини, энг улуғ, энг беминнат “юрагининг олампаноҳи” бўлган табаррук Ўзбекистонни ўзгача жонфидолик, буюк садоқат билан таърифлайди. Инсоннинг мартабаю обрўси ошиб, боши осмонга етса ҳам оёғи ердан узилмаслиги кераклигини жўнгина иборалар билан тушунтириб қўяди.

Айниқса, “Она яйраб яшамаса, миллат қайда?”, “Отанг ўлса, болалик ҳам тугар экан”, “Менинг отам — оқтерак”, “Менинг дилим пошшо, шеърларим эмас”, “Ҳар балони кўриб ёруғ дунёда, Тошканни кўрмаган бечора онам”, “Кимда ғам кўп бўлса, у менинг онам”, “Римни алишмасман бедапоянгга”, “Ғичир-ғичир тишимдаги сўлиғимсан, Ватаним”, “Капалаклар одамлардан меҳрибон”, “Туғилмаган қўшиқларим, сиздан узр”, “Бош қолмади дўппига лойиқ”, “Икки елка тўла бир дунё гуноҳ” каби сатрлари беминнат қуёш нуридек таниш ва қадрдон.

Муҳаммад Юсуф Широқ, Тўмарис, Нажмиддин Кубро, Темур Малик сингари халқ қаҳрамонлари ҳақида сўз айтар экан, нигоҳидан лочин ҳайиқадиган, ҳатто Чингизхон ҳам мардлигу шижоатига тан берган Жалолиддин Мангубердини ғурур билан шеърга солади:

***Ким Қашқарни қилди макон,***
***Ким Энасой томонда,***
***Жалолиддин — Курдистонда,***
***Бобуринг — Ҳиндистонда,***
***Бу қандай юз қаролиғ деб,***
***Ётарлар зимистонда,***
***Тарқаб кетган тўқсон олти***
***Уруғимсан, Ватаним.***

Адолатни бош тамойил қилган, Мовароуннаҳрни, Ер юзининг сайқали Самарқандни дунёга танитган улуғ саркарда Амир Темур, юрт соғинчу ҳажрида кўз юмган Фурқату Бобурни, фалаккиётшунос олим Мирзо Улуғбекни бор ҳақиқат ва ҳурмати билан шеърга солади.



***Самарқандга борсам мен агар***
***Улуғбекни кўриб қайтаман.***
***У қон йиғлаб турар ҳар сафар***
***Мен дардимни кимга айтаман.***

Шоир ватан озодлигини кўриш насиб этмаган миллат ойдинлари — Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, жувонмард ва жувонмарг Усмон Носир, соддадил Чўлпон, йигит умри хазон Абдулла Қодирийни ватан тимсолида тасвирлайди. Ҳар бирига элу юрт эҳтироми, эъзози, дуосини тилайди. Шу боис, шоирнинг ҳар бир сатрини бастакору қўшиқчи бир ўқишда куйга солади. Бу ёниқ қўшиқлар халқнинг чинакам маънавий бойлигига айланади.

***Юртим, адо бўлмас армонларинг бор,***
***Тошларни йиғлатган***
***достонларинг бор.***
***Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,***
***Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.***

Муҳаммад Юсуф соғинч, армон билан “камчилиги”ни эркаланиб айтади. У ўқувчига фарзанд онасининг дуосига лойиқ бўлиши, волидасининг дийдори, зиёрати энг муборак иш эканини сўз ила уқтиради. Ҳамиша онаизорнинг ёнига шошилмоқ, иззатламоқ талабини қўяди. Ким билсин, қалбидаги бу талабларини балки машҳур ёзувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг “Муҳими рост сўзлаш ва рост ёзишдир”, деган ҳикматига амал қилмоқ важидан ёзгандир.

Муҳаммад Юсуф ҳақида сўз борганда атоқли адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг қуйидаги сатрларини эсламаслик мумкин эмас: “Муҳаммаджоннинг Худо берган қобилият эгаси эканлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Бир даврада Чўлпоннинг “Кўклам” шеъри тўғрисида гап борди. У менинг таърифимдан таъсирланиб кетдими, ичкарига кириб кетди-да, 10-15 дақиқача вақт ўтиб, қўлимга шеърини тутқазди ва уни менга бағишлаганини айтди. Шеърни ўқиб, кўзимдан ёш чиқиб кетганди ўшанда”.

***Дил яйрасин дала-даштинг ясаниб -***
***Ялпизларинг сув бўйида ястаниб.***
***Икки мисра байт битай бир мақтаниб***
***Кўкламойим кўкингдан бер бир чимдим.***

Ардоқли шоир, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов бундай ёзади: “Муҳаммад Юсуфни халқимиз севиб, дилида сақлайди, Ватан куйчиси, истиқлол куйчиси деб ардоқлайди, ўзбек элига улуғ меҳр, садоқат сингиб кетган назокатли, самимият тўла шеърларини қадрлайди, қўшиқ қилиб айтади. Унинг шеъриятини чин маънода қанотли шеърият, юрт осмонида баланд парвоз қилувчи, юракларга қанот бергувчи шеърият деса бўлади”.

“Меҳр қолур, муҳаббат қолур”, деб ҳайқирган соҳибидил, соддадил шоирнинг муҳаббат ҳақидаги деярли барча шеърини соҳирнафас санъаткорлар куйга солган. Миллий қўшиқчилигимиз “олтин фонди”нинг сара намуналари орасида ҳам Муҳаммад Юсуфнинг ашъорлари билан айтиладиган қўшиқлар талайгина.

Шоир наздида дунёнинг бирор мамлакатида учрамайдиган, шарқона қадриятлар бешиги сифатида эъзозланган ўзбек маҳаллалари, офтобрўй тандирлар, ўчоқбошидаги қора қумғонлар, тўшак етмай, тўнини тўшаб болаларига меҳр кўрсатган отажонларни ҳам назм орқали тасвир этади:

***Эски томингга ҳам қиламан ҳавас,***
***Қадимий деворлар менга эҳромлар.***
***Чунки осмонўпар қасрларданмас —***
***Маҳалладан чиққан Ғафур Ғуломлар.***

Айтар сўзини дона-доналаб, сатр-сатрлаб элга армуғон этган, ошиқ кўнгилларга ишқ ўтини, оналарга меҳр нурини, мусофирларга ватан ҳидини ато этишдек муборак вазифани адо қилган қумридил шоирнинг 70 йиллиги арафасида барча зиёлилар қаторида бизнинг ҳам айтар сўзимиз бор.

Етти ёшдан етмиш ёшгача барчага бирдек манзур бўладиган ойдин сатрлари, ёниқ ўхшатмалари, содда, фавқулодда самимий байтлари ҳали минг йиллар халқимиз юрагига малҳам бўлади! Шоирнинг уйғоқ руҳи ҳали кўп йиллар шеърият ихлосмандлари юрагига чақмоқдек ёнган мисралар билан илҳом ато этиши тайин.

Муҳаммад Юсуф қирқ етти ёшида, Бобур ёшида ёруғ оламни тарк этди. Қисқа умрида барчамизга ватанни севиш фанидан шеърий сабоқ ўтиб кетди. Биз шунга муносиб бўлиб унинг шеърларини, ватан ва элу юртга жонфидо сатрларини асраб, келгуси авлодларга етказишимиз керак. Токи комил инсон бўлишни, ватанни юрак ардоғида асрамоқни ёшларимиз мана шу ёркин мисралардан ўқиб ўргансин.

“Бу ёруғ дунёда ўчмас чироғим”, деб ёзади шоир. Ўзбекнинг Муҳаммад Юсуфдек бетимсол фарзандлари бор экан, ватан яшайди. Ўзбекистоннинг мағрур ва бетимсол номи жаҳон саҳнасида жаранглаб, отамакон чироғи сира ўчмайди!

Зеро, чақмоқсўз шоир Абдулҳамид Чўлпон айтганидек, “Адабиёт яшаса, миллат яшайди”.

## Акс садо



# ДАРАХТЛАРНИ ҚУТҚАРАЙЛИК

## Улар бизни қутқаради

**“Янги Ўзбекистон” газетасининг шу йил 26 сентябрь сонида журналист Дилмурод Қирғизбоевнинг “Йиғлаётган” дарахтлар” мақоласини ўқиб, кўнглимдан ўтган мулоҳазаларни сизлар билан баҳам кўришни лозим топдим.**

Турли табиий ва сунъий сабаблар туфайли дунёда табиат, атроф-муҳит ифлосланиши, чўлланиш кундан кунга ўта долзарб муаммо бўлиб боряпти. Бу ҳақда таниқли олимлар, ёзувчилар, иқлимшунослар БМТ каби нуфузли ташкилотлар минбаридан туриб бонг уряпти. Ҳамжамиятни бу ўта жиддий масалага алоҳида эътибор қаратишга чақиряпти.

Юртимизда она табиатни асраб-авайлаш, кўчат экиш, юз бераётган экологик муаммоларнинг олдини олиш ва чоралар кўриш борасида кўп иш қилиняпти. Хусусан, Президентимиз томонидан бу бўйича бир неча қарорлар қабул қилинди. Аммо айрим мутасаддилар эътиборсизлиги ва лоқайдлиги туфайли керакли натижага эришилмаяпти.

Мен Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани “Марказ-2” мавзесида яшайман. Ёшим 78 да. Маҳалламизда 50-60 ёшли дарахтлар бор. Улар ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари охири, етмишинчи йиллари бошида бу ерда кўп қаватли уйлар қурилган пайтда экилган ва ҳозиргача мавзенинг салқинлиги ва ободлигига хизмат қилиб келяпти. Афсуски, бу дарахтлар бугун сувсизликдан қурий бошлади. Энг ачинарлиси, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва унинг ёрдамчилари дарахтлар қуриётганини ҳар куни кўриб турса-да, бепарво. “Сен менга тегинма, мен сенга тегинмайман” қабилида иш тутяпти.

Тақдир тақозоси билан қарийб ўн йилдан буён ҳар йили Европа мамлакатларининг икки-учта катта шаҳрида бир неча ой яшаб келаман. Бу шаҳарларда аҳолининг табиатга, атроф-муҳитни асрашга бўлган эътиборини кўриб ҳавасим келади. Ҳар бир дарахт, каттами-кичикми, доимо эътиборда. Аҳоли сувдан узоқроқ жойларда ўсаётган баъзи дарахтларни уйидан сув ташиб суғоради. Бизда эса ўсиб турган, ҳар куни одамларга кислород етказиб бераётган дарахтлар кўз олдимизда сувсизликдан қурияпти. Бу ҳолатга томошабин бўлиб турибмиз. Айниқса, мазкур ишга масъул идоралар — ҳокимлик, ободонлаштириш бошқармалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари ҳамда ходимларининг лоқайдлигини кўриб ҳайрон қоласан киши.

Дарахтларнинг сувсизликдан қуриши фақат бизнинг мавзедаги муаммо эмас. Шаҳримизнинг исталган тумани ёки маҳалласига боринг, дарахтлар суғориш тизими издан чиқиб бўлган. Натижада аста-секинлик билан дарахтлар қуриб боряпти. Миллиардлаб сўм сарфланиб, ҳар йили баҳорда экилаётган кўчатлар ҳам сувсизликдан хазон бўляпти. Менимча, бу масала шаҳар миқёсида алоҳида кўриб чиқилиши ва ечим топилиши керак. Шунда биз дарахтларни қутқариб қоламиз. Дарахтлар эса бизни экологик муаммолардан қутқаради.

**Саид СИДДИҚОВ,
пенсионер**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 3651.
41218 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:12 Топширилди — 23:25